Тарих ва тақдир

# ЮРТ ЭРТАСИ БИЛАН ЯШАШИ КЕРАК

1941 йил совет халқлари учун энг оғир бўлди. Немис фашист газандалари бизнинг мамлакатимизга уруш эълон қилмасдан, ваҳшийларча бостириб кирди.

Бутун совет халқи оёққа турди. Жуда кўп ёшлар ўз хоҳишлари билан ноҳия ҳарбий комиссарлигига мурожаат қилиб фронтга жўнашди.

Ўзбекистон Мусаввирлар уюшмасининг ёш аъзолари ҳам ҳарбий хизматга чақирилди. Улар орасида С. Азимов, Ҳ. Раҳмонов, С. Абдуллаев, Х. Раҳимов, В. Фадеев, Б. Ҳамдамий ва бошқалар бор эди.

Иқтидорли мусаввирлар Лутфулла Абдуллаев, Абдулҳақ Абдуллаев, Сафо Муҳамедов, Самарқанд шаҳридан Рашид Темуровлар каби ижодкорлар ҳам ижодий ва фронт орқали сермашаққат ташвишларнинг фаол иштирокчилари эдилар.

1941 йилнинг охирларида Тошкент вилоят партия комитети томонидан ташкил этилган сиёсий ташвиқот бригадасига В. Н. Кедрин ва мени таклиф этишди.

Айнан ўша давр талаби ҳар бир кишининг олдига жуда катта маъсулиятларни юклаган эди. Фронт орқаси маъсулияти ҳам фронт даражаси талабида эди. Шу боисдан биз пахтакорлар орасида ташвиқот ва ижод қилар эдик. Бригада беш кишидан иборат бўлиб колхозчиларга уруш хабарларидан ахборот бериб турардик, илғор колхозчиларнинг тажрибаларини бошқа қолоқ колхозларга бориб тарғибот қилардик. Айниқса, кўкламги чигит экиш даврида иш кўп бўлар эди. Кейинчалик бизнинг жамоамизга мусаввир Сафо Муҳаммедов келиб қўшилди.

1942 йилдан 1946 йилга қадар вақти-вақти билан Тошкент вилоятининг, Сирдарё, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ ноҳияларидаги колхоз ва совхозларида бўлиб, жуда кўп ишлар бажардик.

Бу эса ижодий ўсишимизга катта ёрдам берди. Неча юзлаб илғор пахтакорларни, ишчи хотин-қизларнинг портретларини тасвирга туширдик.

1942 йилнинг кўкламида Москва, Ленинград, Киев, Одесса ва бошқа шаҳарлардан йирик мутахассислар Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларга кўчиб кела бошладилар. Булар орасида ёзувчилар, машҳур мусаввирлар, артистлар ва ҳар соҳадаги мутахассис олимлар бор эди.

Тошкентга Москвадаги Суриков номли мусаввирчилик институтининг ранг тасвир профессори Михаил Жемякин ҳам келган эди. Ўзбекистон Марказий компартиясининг биринчи котиби ўртоқ Усмон Юсупов олимни ўз ҳузурида қабул қилиб, ундан ўзбек ёш мутахассисларига санъат сирларини ўргатиш, тарбиялашни сўради.

Шундан сўнг Шамсирой Ҳасанова ва мени Михаил Жемякинга бириктириб қўйишди. Ҳурматли профессор бизни худди ўзининг фарзандидек севиб, бор билимини ўргата бошлади. Биз ҳам у кишини чин дилдан севиб қолдик. Ҳафтасига уч марта шуғулланиб, уйга берилган вазифаларни ўз вақтида бажариб бордик.

Михаил Жемякин биз ҳақимизда ЎзКП Марказкомининг биринчи котиби ўртоқ Усмон Юсуповга ҳисобат ёзди. Шундан сўнг Шамсирой Ҳасанова ва мени Усмон ота ҳузурларига чақиртириб қолдилар. Бизлар бир йил давомида бажарган ишларимизнинг нусхаларини олиб бордик.

Соат эрталаб 10 да ёшгина котиба қиз бизни Усмон ота хонасига йўллади. Эшикдан кирар эканмиз Усмон ота ўринларидан туриб ҳаммамизни самимий кутиб олди, чизган суратларимизни кўрди. Шамсирой Ҳасанова ҳам, мен ҳам 10—15 та суратларни териб қўйдик. Усмон ота қўлига бир суратни олиб қизиқиб тикилиб қолдилар, бир оз вақт ўтгач «1916 йилги Жиззах жанг манзараси эмасми», деб савол билан мурожаат қилдилар. «Мен худди шундай», деб жавоб бердим. Шундан сўнг ота тасвирдаги воқеага янада диққат қилиб хона бўйлаб у ёқдан бу ёққа юра бошлади ва «Айнан ўзи-я, жуда зўр», деб шу сўзларни бир неча бор такрорладилар. Қоғозга нималарнидир ёзиб, котиба қизга топшириқ берди.

Усмон ота менга яқин келиб: «Йигит, айтингчи, кимларингиз бор? Ростини айтинг кеча кечқурун нима овқат едингиз?» деб меҳрибонлик билан сўрадилар.

Шу пайт хонага салобатли кишилар кириб келишди. Улар тахминан 15 киши эди. Усмон ота бизларни йиғилган кишилар олдига олиб бориб, уларга мурожаат қилдилар. «Бу ёшларни танийсизларми?».

Ҳеч кимдан садо чиқмади. ЎзКП Марказқўмининг котибаси Фотима Йўлдошева «танимаймиз» деб жавоб қилди. «Бўлмаса таниб олинглар, булар ёш мусаввирлар, улар келажакда тарихимизни тасвирий санъатда бемалол ёрита оладилар» деб уларга бизни мақтай кетдилар.

Қисқаси ўша куни қарор қабул қилинди.

Қарорда шундай сўзлар бор эди. «Ўзбекистон ССЖ ҳарбий комиссарига, ҳарбий ёшдаги мусаввирларни фронтга юбормай брон билан қолдирилсин! Тошкентга Самарқанд шаҳридаги мусаввирлар билим юрти 3 ой ичида кўчириб келтирилсин!..».

Совет халқи 1945 йилда немис-фашистлари устидан узил-кесил ғалаба қилди. Тинч-тотув ҳаёт бошланди. Уруш қатнашчиси бўлган мусаввирлар бирин-кетин тинч ҳаётга қайта бошладилар. Улар орасида Совет Иттифоқи қаҳрамони Самиғ Абдуллаев, Ҳикмат Раҳмонов, Александр Фадеев ва бошқалар бор эди. Бироқ улар бармоқ билан санарлик даражада оз эдилар. Кўплаб иқтидорли кишиларимиз урушдан қайтмади. Шундай бўлсада қийин дамларда ҳам жумҳуриятимиз раҳбарлари истеъдод эгаларини ўлимдан сақлаб қолишга ҳаракат қилишди. Шунинг ўзи келажакка ва ғалабага бўлган ишонч, фақат юрт эртаси билан яшаган раҳбаргина бундай улкан ишларни ўз зиммасига ола олиши мумкин эди.

**Малик НАБИЕВ,**
**ССЖИ Мусаввирлар уюшмасининг аъзоси, ЎзССЖда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор.**



# ЗЕҲНЛИЛАР МУШОИРАСИ

⊙ «ОРЗУ» чарм-атторлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бугунги кунда 300 дан зиёд турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариб аҳолига сотмоқда. Корхонада ўтган 9 ой давомида 25.356 минг сўмлик маҳсулот ўрнига 27.570 минг сўмлик сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Иккинчи ва учинчи квартал якунига кўра бирлашма Ўзбекистон енгил саноати вазирлигининг ва касаба уюшмасининг кўчма қизил байроғини қўлга киритди. Бу корхонада меҳнат кишиларини шарафлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш доимий анъанага айланган. Яқинда корхонада ишчи ва хизматчиларнинг навбатдаги дам олиш кечаси уюштирилди. Бўлиб ўтган тантанали кечада иккинчи цехнинг «Ғунча» ва 5-цехнинг «Ихлос» командасининг қизлари ўз билимлари ва топқирликлари билан ўзаро куч синашди.

«Ўткир зеҳнлилар» мушоирасида 5-цехнинг «Ихлос» командаси ғолиб деб топилди. Шу куни корхонада ишлаб чиқарилаётган энг янги турдаги маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Бирлашмадаги бир гуруҳ меҳнат пешқадамларига қимматбаҳо совғалар, мақтов қоғозлари ва пул мукофотлари топширилди.

Кечада бадиий ҳаваскорлар ижросида ёқимли куй ва гўзал рақслар ижро этилди.

**Ҳабибулла ШОДИЕВ.**
**Муаллиф** суратлари.

## «ИНСОНПАРВАРЛИК ВА РАҲМ-ШАФҚАТ»

**⊙ ТАСВИРИЙ санъатнинг плакат жанрида истеъдодли ёшлар ҳам фаол ижод қилиб келмоқдалар.** Студент ёшларнинг бу борадаги ижодий изланишлари ҳам диққатга сазовордир. Яқинда ўтказилган жумҳурият олий ўқув юртлари талабалари танловида намойиш қилинган ранг-баранг плакатлар бу фикрни яна бир бор тасдиқлади.

Тошкент театр-бадиий олий илмгоҳида амалга оширилган бу маданий тадбир «Инсонпарварлик ва раҳм-шафқат» деган шиор остида бўлиб ўтди. Ана шу ижодий кўрикка жумҳурият Қизил Ярим Ой жамияти бош-қош бўлди. Унда элликка яқин истеъдодли ёш рассом фаол қатнашди.

Тақдим этилган плакатларнинг аксарияти шу куннинг нафаси билан суғорилган бўлиб, етилган муҳим масалалар, ўткир муаммоларга Қизил Ярим Ой жамияти йўли билан кўрилаётган инсонпарварлик тадбирларига доир плакатлар ҳам қизиқиш билан томоша қилинади.

Танлов якуни чиқарилиб, ғолиблар аниқланди. Тошкент театр-бадиий илмгоҳининг талабаларидан П. Юнусов, А. Исмоилов, К. Матмуродовлар танловда совринли ўринларни қўлга киритдилар. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика илмгоҳи ҳамда Беньков номидаги бадиий билим юртининг қатор истеъдодли ёшлари ҳам ғолиблар сафидан ўрин олдилар.

**А. АКБАРОВ.**

## Фан ва техника янгиликлари

**⊙ ЛЬВОВ. Г. В. Карпенко номли физика, механика илмгоҳининг тажриба заводида таймерлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу асбоблар нотиқлар мўлжалланган муддатда ўз фикрларини баён этишларига ёрдам беради. Асбобда нутқ бошланган вақтни серқайд этишнинг ўзи қифоя, электроника вақтни ҳисобга ола бошлайди. Вақт тугашига бир дақиқа қолганида таблодаги чироқлар ёниб ўча бошлайди, кейин эса ёқимли оҳанг янграйди — демак сўзни мухтасар қиладиган вақт келибди.**

**⊙ УЛАН-УДЭ. ССЖИ Фанлар Академияси Сибирь бўлими Бурятия илмий маркази биология илмгоҳи олимларининг экспедициясида Тибет соҳиблари — «ҳакимларининг» изоҳлаб берилган қадимий қуллиётлари жуда қўл келиб қолди. Жаҳонда ниҳоятда қадимий бўлган доришуносликдаги шифобахш ўсимликлар қаторига кирувчи гиёҳларни байкал ортидан излаш экспедициянинг мақсадидир. Бурятиядаги хил-ма-хил шифобахш ўсимликлар ва гиёҳлар уларда жуда катта қизиқиш уйғотмоқда.**

**(ТАСС мухбирлари хабарларидан).**



**⊙ Маълумки, Байкал-Амур магистралининг қурилиши битганидан сўнг бу ерда катта тажриба тўплаган меҳнат жамоаларини Амур-Ёқут темир йўлини қуришга сафарбар этиш мўлжалланганди. Бу йўл Ёқутистоннинг хом ашёга бой районларини Сибирь ва Россия марказига боғлаши ва бу билан Ёқутистон ўлкасининг ривожини тезлаштириши лозим эди. Бироқ иқтисодий қийинчиликлар туфайли бу темир йўл битиши узоққа чўзиладиган объектга айланди. Лойиҳадаги 600 ўрнига ҳозирда атиги 174 километр йўл қуриб битказилди, холос. Келажакда Ёқутистоннинг улкан табиий бойликлари яна анча вақтгача ўзлаштирилмай қоладиганга ўхшайди.**

**СУРАТДА: Алексей Иванченко бригадаси Амур-Ёқут темир йўл магистралида монтаж ишларини олиб бормоқда.**

**Н. Никитин (ТАСС)** сурати.

Ижтимоий таъминот бўлимларида

# ИНСОНГА ҒАМХЎРЛИК КЕРАК

**Иттифоқ ҳамда жумҳурият ҳукуматининг фуқароларнинг пенсия ва нафақаларини ошириш тўғрисидаги Қонуни, кам таъминланган оилаларнинг моддий таъминотини яхшилашга қаратилган фармонлари ва бошқа қатор чора-тадбирлар меҳнаткашлар томонидан хайриҳохлик билан кутиб олинди, кишиларда ўз келажагига бўлган ишончни мустаҳкамлади. Табиийки, бундай қонун ва фармонларни ҳамма ҳам бирдай тушунаётгани йўқ. Улар ҳақли равишда қонунларнинг у ёки бу бандини шарҳлаб беришни сўраб ижтимоий таъминот идораларига, ҳуқуқшуносларга, мутахассисларга мурожаат этмоқдалар. Очиғи, биз фахрий фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳамма вақт ҳам тўла қондираётганимиз йўқ, ариза ва шикоятларда кўтарилган масалалар жойларда баъзан инобатга олинмаяпти, уларнинг эгалари кўп ҳолларда махтал бўлиб кутиб қолмоқда.**

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида Ижтимоий таъминот вазирлигига Тошкент шаҳри фуқароларидан 774 та ариза, шикоят хати тушди. Шу давр ичида пойтахтлик 712 нафар фуқаро вазирлик раҳбарияти ва мутахассислари томонидан қабул қилинди. Шундан 761 таси пенсия ва 188 таси ногиронликни олиш ёки тиклаш, 339 таси имтиёзлар, транспорт ва шу каби масалалар хусусидадир. 259 ариза ва шикоят ижобий ҳал қилинган, 157 тасига рад жавоби, 893 тасига тушунтириш берилган.

Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан шаҳар ноҳияларида ўтказилган текшириш ариза ва шикоятларнинг ниҳоятда кечикиб ҳал этилаётганлигини, фуқароларни қабул қилиш эса пайсалга солинаётганини, уларнинг истак ва орзулари ўз вақтида қондирилмаётганини кўрсатди. Вазирлик уюштирган қабул маросими ва текширишда кўпгина масъулиятсизлик ҳоллари очиб ташланди.

Гапни аввало Чилонзор ноҳия ижтимоий таъминот бўлимидан бошлайлик. Шуни айтиш keракки, биз шаҳар рўзномалари ҳамда ойнаи жаҳон орқали махсус қабул кунлари ўтказишни анча илгари эълон қилган эдик. Шунга қарамасдан Чилонзор ижтимоий таъминот бўлими ҳам, шаҳар бошқармаси раҳбарлари ҳам бу кунга яхши тайёргарлик кўрмагани маълум бўлди. Соат 9 да белгиланган қабул зўрға 10 дан ошганда бошланди. Ҳатто бино пештоқида ижтимоий таъминотнинг шу ерда жойлашганини билдирувчи лавҳа, қабулнинг ўтиши ҳақида эълон ҳам ёзиб қўйилмаганлигини қандай баҳолаш мумкин?... Шу куни жами 32 киши қабулга келди. Уларнинг талаб ва истаклари муштарак бўлса ҳам ҳаёт тарзлари турлича, яшаш шароитлари оғир, маънавий ҳамда моддий ёрдамга муҳтож кишилар эди.

Одамларга ғамхўрлик қилиш, меҳр-оқибатли бўлишда ижобий жиҳатлар ҳам йўқ эмас, албатта. Мана Аролбой Қалибеков болаликдан III гуруҳ ногирони, 26 сўм пенсия олади. Вазирликнинг ҳунар-техника билим юртида таҳсил кўрмоқда. Оилали, болалик бу талабанинг моддий аҳволини инобатга олиб, унга фақат ўқиш даврида ногиронлигини II гуруҳга ўтказиб бериладиган бўлди. 79 ёшли И. Н. Соколов ногиронлигини уруш билан боғлаб беришларини сўраб кирмаган эшиги, бормаган раҳбари қолмагач, охири вазир қабулига нажот истаб келишга мажбур бўлди. Дарҳақиқат, унинг оёқ-қўллари шикастланган, шунинг учун умумий касаллик бўйича II гуруҳ ногиронлигини олган. Лекин бу уни қаноатлантирмайди. Шу сабабли бу кишига ҳарбий-тиббий комиссия орқали ёрдам беришга тўғри келди.

П. Я. Алексеева 82 ёшга кирган. Ёлғизларга ижтимоий ёрдам бўлими йўриқчиси унга хизмат кўрсатади. 74 сўм 94 тийинлик нафақасига янги йилдан бошлаб 30 сўм қўшимча қўшилади. Лекин айни шу кунлари унинг моддий аҳволи оғир. Шуни ҳисобга олиб унга 50 сўм миқдорида моддий ёрдам берилди.

Ноҳия ҳудудида истиқомат қилувчи кўпгина кишилар шу куни пенсия миқдорини кўпайтириш, ногиронлик гуруҳини тайинлаш, машина ва икки ғилдиракли аравачага эга бўлиш, моддий ёрдам ҳамда санаторийга йўлланмалар олиш, имтиёзли пенсияга чиқиш, болаларга нафақа ундириш, махсус дўконларга бириктириб қўйишни сўраб мурожаат қилишди.

Аянчли томони шундаки, ноҳия ижтимоий таъминот бўлими аҳоли ўртасида янги қонунлар, имтиёзларни тушунтириш ишларини етарлича олиб бормайди, пенсионерлар меҳнат қилган тегишли корхона, муассасаларнинг раҳбарлари билан яхши алоқа боғлаган эмас. Натижада қарияларнинг баъзилари эътибордан четда қолган, унутилган. Улар ўзлари бирор жойга мурожаат қилмагунларича ҳеч ким «ҳолинг қалай?» деб сўрамайди, ижтимоий таъминот бўлимига бирор бир масала билан келган фуқаронинг мушкули зудлик билан ҳал этилмайди.

Таажжуб, вазирлик қабули кунида одам шу қадар кўпу, бироқ ноҳия ижтимоий таъминот бўлимига камдан-кам киши ташриф буюради. Бу шуни кўрсатадики, ё пенсионер ижтимоий таъминот бўлимининг ёрдамига мутлақо муҳтож эмас, ёки унинг қуруқ ваъдабозлигию лоқайдлигидан кўнгли безган, ишончини йўқотган.

Ҳамза, Куйбишев, Ленин ноҳия ижтимоий таъминот бўлимларидаги қабул ташкилий жиҳатдан ҳам юқори савияда ўтказилди. Ҳамза ноҳиясида ўтказилган қабулга кам даромадли оилалар, кўп болали оналар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан бирга маҳалла қўмиталарининг раислари, фаоллари ҳам иштирок этишди. Улар мавжуд муаммоларни рўй-рост айтишди. Айни вақтда қариялар кучидан, ақл-заковатидан, ҳаётий тажрибаларидан қандай қилиб фойдаланиш кераклиги ҳақида ўз таклифларини киритишди. Бу ноҳияларда ҳам пенсионерлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини жуда кам билишади. Қабул пайтида берилган саволлар, мурожаат қилинган масалалар шундан далолат бериб турибди.

Шуни афсус билан таъкидлаш керакки, ишчи ва хизматчилар бир корхона, муассаса ва ташкилотларда 30—40 йиллаб меҳнат қилган киши пенсияга узатиладию, ўша кундан бошлаб унутилади. На маъмурият, на касаба уюшмаси ва на жамоа уни эслайди. У бутунлай ёддан чиқади. Ёлғиз қолган қария дардга чалинади. Шунда ҳам уни ҳеч ким эсламайди. Шундан сўнг унинг қалбида жамоасига, корхонасига, одамларга ишончсизлик туғилади, жамиятдан, тузумдан норози бўла бошлайди.

Бир ўйлаб кўринг-а! Бир боласи армия хизматини ўтаётганда ҳалок бўлган, 6 фарзанднинг онаси (уларнинг биттаси ногирон), Ҳамза ноҳиясида яшовчи III гуруҳ ногирони Фарида Йўлдошева ўтхонада гўлоҳ бўлиб ишловчи эрининг арзимаган маоши билан қандай ҳаёт кечиради?

Шу ноҳиядан Маъфура Исмоилова автокорхонада ишлаб пенсияга чиққан, 70 сўм пенсия олади. Бу маблағ билан ҳаёт кечириш осон эмас. Янги қонунга кўра 1991 ва 1992 йилларда пенсияси миқдори бироз кўпаяди. Бироқ у ҳозир яшаши керакку! Автокорхонанинг эса парвойи фалак. Қадрдон жамоаси Маъфура аяни аллақачон унутиб юборган.

Раиса Мирзаева 73 сўм пенсия олади. 1991 йил 1 январдан бошлаб унинг пенсиясига ҳам 10 сўм қўшилади. У вино заводида ишлаб юрган пайтда ишлаб чиқаришда шикастланган. Ҳозир эса бу ҳол инобатга олинмаяпти. Ана сизга корхонанинг ғамхўрлиги. Қолаверса, тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари қаерга қарашяпти ўзи? Ишчининг саломатлик давридаги меҳнати керагу, қариганда уни хор-зорлик кутади? Бу ҳақида ҳамма корхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари ўйлаб кўришлари керак!

Куйбишев ноҳияси ижтимоий таъминот бўлими ходимлари ҳозирги кунда 35 мингдан ортиқ фуқарога ижтимоий таъминот хизмати кўрсатишмоқда. Шунинг учун ҳам бу ерда қабулга келганлар сони нисбатан кўпроқ эди. Лекин кўтарилган масалалар, берилган саволлар, қўйилган талаблар жиддий. Шу нарса аниқландики, баъзи ижтимоий таъминот ходимлари ишга юзаки қараб, фуқароларга далилларсиз жавоб бериб юборишар экан.

Мана, хонага қадди-қомати келишган, гаплари тетик, хизмат кўрсатган спорт мастери, 80 ёшли II гуруҳ ногирони Усмон Умаров кириб келди. Суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, у 125 сўм миқдорида маҳаллий аҳамиятга молик шахсий пенсия олар экан. Йўриқчи ҳузурига келса, пенсиянгиз 140 сўм бўлади, дебдию сабабларини тушунтирмабди. 40 йиллик иш стажига эга бўлган 80 ёшли бу қариянинг пенсияси янги қонун асосида ҳисоблаб чиқилганда 235 сўмни ташкил этди. Бу муаммо инспекторнинг иштирокида ҳал этилди. Бундай лоқайдлик ҳолатлари Ҳамза ноҳияси ижтимоий таъминот бўлимида ҳам содир бўлган эди.

Кўриниб турибдики, ҳали ходимларимиз, мутахассисларимиз орасида ўз ишини пишиқпухта билмайдиган, пенсионерлар талабига бефарқ қарайдиган, етарли малакага эга бўлмаган, масъулиятсиз, тошбағир кишилар ҳам бор. Бундайлар ўз ишларида кескин ўзгариш қилмас эканлар, соҳамиз яхши фаолият кўрсата олмайди, уруш ва меҳнат фахрийларига хизмат кўрсатишда мўлжалланган ютуқларга эриша олмайди.

Ленин ноҳияси фуқаролар қабулига қулай шароит яратилган. Ҳатто ноҳия уруш ва меҳнат фахрийларининг кенгаши ҳам шу ерга жойлашган. Бўлимга келган борки, бу ерда ташкил қилинган музейни бир кўрмасдан кетмайди.

Қабул давомида фуқароларнинг жуда кўп муаммолари ўз жойида ҳал қилиб берилди. Бундай юзма-юз, очиқ мулоқотларнинг афзаллиги ҳам шунда. Умуман ўн кун давомида шаҳар меҳнаткашларидан 303 киши қабул қилинган бўлса, 24 кишига 1000 сўмдан ортиқроқ моддий ёрдам кўрсатилди, 103 кишининг ногиронлик гуруҳи, пенсияси миқдори, моддий шароитининг яхшиланишига кўмаклашилди, 197 кишига қонун-қоидалар асосида ҳуқуқлари тушунтирилди, 8 кишига турли санаторий-оромгоҳларга йўлланма берилди.

Қабул натижасида пенсионерлар пенсия ва нафақа тайинлаш, уни вақтида олиш, миқдорининг ошиқроқ бўлиши масаласида, ўзларига яратилган имтиёз ва енгилликлар тўғрисида жуда кам маълумотга эга эканликлари маълум бўлди. Бу эса Тошкент шаҳар ва ноҳия ижтимоий таъминот бўлимлари ходимларининг пенсия қонунларини тарғиб қилиш ва кенг тушунтириш ишларини етарлича олиб бормаётганликларидан далолат бериб турибди. Шунингдек, маҳаллалар, корхона, ташкилот ва муассасаларда отахонлар, онахонлар, кўп болали оналар, уруш ва меҳнат ногиронлари, кекса фахрийлар билан учрашиб, савол-жавоб кечаларини ўтказиб туриш яхши анъанага айланган эмас.

**Шуни эътиборга олган Ижтимоий таъминот вазирлиги ўзининг келгуси режаларида барча вилоят ижтимоий таъминот бўлимларида меҳнаткашлар қабулини ўтказиш, уларга амалий ёрдам беришни асосий масалалардан бири қилиб белгилаб олди. Шунингдек, жумҳуриятдаги йирик ишлаб чиқариш корхоналарида, ташкилот ва маҳаллаларда вазирлик ходимларининг қабулини уюштириш режаси тузилди. Ўйлайманки, бу тадбирлар пенсия қонунининг жумҳуриятда кенг тарғиб қилинишига, ундан фойдаланувчилар учун етарлича имкон яратиб беришига яқиндан ёрдам беради.**

**Қабулда ижтимоий таъминот вазири С. Хўжаева, вазир ўринбосарлари А. Нарзиев, С. Мирзааҳмедова, вазирлик бошқармаларининг ходимлари иштирок этишди ва тегишли ёрдам кўрсатишди.**

**Абдужаббор МАННОПОВ.**

